

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №1
(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хақида)

Тошлоқ шаҳарчаси

«18» ноябрь 2022 йил

Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими номидан А Солиев биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан "Сирожидин курувчи издошлари" МСНҲ номидан унинг раҳбари А, Исроилов низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Пудратчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан Тошлоқ тумани халқ таълими бўлимининга қарашли 6-мактаб укув биносини жорий таъмирлаш, ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси 781 700 000 (етти юз саксон бир миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, якуни 70% (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради. 2022-йил 18-ноябр кунидан 2022-йил 31-декабр кунигача белгиланади,

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

5. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Пудратчи ҳуқуқлари

Пудратчи қуйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқлилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни

5.1.1 Пудратчи:

5.1.2. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.

5.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.5. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқлари

Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб

бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

5.2. 1.Буюртмачи:

5.2.2. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.3. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тўлаш шарт.

5.2.4. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

5.2.5. Объект бинонинг ичкари қисмида жойлашган бўлса куриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни куриқлаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2 Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.

6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня сўммаси низоли сўмманинг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

7. Форс-можор ҳолатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдидан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йули билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар жойлашган манзилдаги иктисоди судида кўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Бошқа шартлар

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инжинерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига қафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан қузланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил қафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.

10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича иктисоди судига муружаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди

10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.

10.9. Тарафларнинг хоҳишлари бўйича бошқа шартлар.

10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга қиради ва “31” декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»
“Срожинин Курувчи Издошлари”

«Буюртмачи»
Тошлоқ тумани ХТБ

Манзил: Тошлоқ тумани

Манзил: Тошлоқ ш. Огохий №

Тел./факс:

х/р: 20208000005379375001

шх/р: 40172286030227709210075024

Банк номи: тошлоқ халк банки

СТИР: 200186214

МФО: 00798

ОКОНХ: 92 310

СТИР: 308246526

Ғазна

шх/в:

ОКОНХ: _____

23402000300100001010


Банкнинг номи: ХККМ марказий банк

Тошкент ш. ББ

МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар:  А. Исроилов
М.Ў

Раҳбар: _____ А. Солиев
М.Ў

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ABDUMAJID SOLIYEV BOKIYEVICH
	Imzolangan sana	17.11.2022 15:33
	Hujjat kodi	NK8567483624
	Hulosa kodi	DV3681407305

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

DV3681407305

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **xo'jalik munosabatlari**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TOSHLOQ

TUMAN XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "davlat xaridlari to'g'risida"gi 2021-yil 22 aprel, O'RQ-684-son, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faolyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgust 241-sonli "Budget tashkilotlari va budget mablag'lari oluvchilarning xarid qilishda budget tashkilotlari va budget mablag'lari oluvchilarning xarid qilishda 15 faizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori talabiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Toshloq tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



Q.A.ASQAROV

17.11.2022